

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

449 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига кўчмас мулкка оид кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида» 2016 йил 3 августдаги 251-сон қарорига мувофиқ, шунингдек кўчмас мулкка оид кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 21 сентябрь,
317-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 21 сентябрдаги 317-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига
кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг қўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 40-модда):

а) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «лойихасини тузадиган» сўзларидан кейин «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиха институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 18-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ер участкалари қуйидагилар учун олиб қўйилган ҳолатларда қопланмайди:

якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш; мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва даволаш муассасалари қуриш;

сув хўжалиги, мелиорация объектлари ва гидротехника иншоотлари қуриш;

муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар барпо этиш»;

в) 20-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «бошқармаларининг» сўзидан кейин «(кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади)» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш учун ҳудудий бошқармаларнинг махсус ҳисоб рақамларига тушган маблағларнинг 90 фоизидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланган ишчи режа асосида қуйидагилар учун фойдаланилади:

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш;

коллектор-дренаж тармоғини қуриш ва қайта қуриш, суғориладиган ерларни капитал планировка қилиш ва уларнинг сув таъминотини ошириш; пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;

ўрмонлар ва мевали ўрмонзорларни барпо этиш, тиклаш;

қумликлар, сув хавзалари ва дарёларнинг қирғоқбўйи минтақаларини дарахтзорлаштириш;

тоғ ёнбағирларини террасалаш ва эрозияга қарши бошқа тадбирларни амалга ошириш;

ер тузиш, кадастр ва ўрмон барпо этиш ишлари;

яйловларда суғориш пунктларини (скважиналар, қудуқлар ва сув қувурларини) қуриш ва жиҳозлаш;

фермер хўжалиklarининг ер участкаларини мақбуллаштириш бўйича ер тузиш ҳужжатларини тузиш;

бузилган ерларни рекультивация қилиш;

автоматлаштирилган ер-ахборот тизимларини яратиш.

Ушбу бандда кўрсатилган ишларни бажариш учун жалб этиладиган пудрат ташкилотларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш мелиорация, ирригация ва ерларни текислаш ишлари учун белгиланган тартибда «Ўздавнефтегазинспекция» ДИ томонидан тасдиқланадиган режалаштирилган ҳажмлар ҳисобига амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш учун тушган маблағлар ҳисобидан ҳудудий бошқармаларга биттадан штатдаги ходим ажратилади, унинг вазифасига юқорида кўрсатилган, шу жумладан ташкилий техника воситалари, жиҳозлар ва ускуналар харид қилиш ишларини ташкиллаштириш киради.

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан маблағларни сарфлаш «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган смета бўйича амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш ҳисобига тушган маблағлардан ер муносабатлари билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича амалга оширилади»;

е) қуйидаги мазмундаги 24¹-банд қўшилсин:

«24¹. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш ҳисобига тушган маблағларнинг 10 фоизи қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича қарзларни тўлаш учун судларга даъволар киритилганда давлат бошқарини ва суд харажатларини тўлашга, тегишли штат бирликларини таъминлашга, ходимларни ижтимоий ҳимоялашга ва моддий-техника базасини ривожлантиришга қуйидаги тартибда тақсимланади:

маблағларнинг 7 фоизи «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

3 фоизи ҳудудий бошқармаларда қолади.

Ҳудудий бошқармалар маблағларнинг тушишига кўра, «Ергеодезкадастр»

давлат қўмитасига тегишли бўлган маблағларни унинг махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар»;

ж) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш тартибида келиб тушган маблағлардан ушбу Низомнинг 24 ва 24¹-бандларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун, қоидага кўра, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари олиб қўйилган туманларда фойдаланилади.

Дебиторлик қарзнинг ундирилган суммаси унга қўшиб ёзилган пеня билан бирга ушбу Низомнинг 24 ва 24¹-бандларида ва ушбу бандда белгиланган тартибда тақсимланади.

Айрим ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки вилоят ҳокимининг қарорлари асосида улардан Қорақалпоғистон Республикасининг ёки ўша вилоятнинг бошқа туманларида фойдаланиш мумкин»;

з) 30-бандда:

формула қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

$$P_{c/хп} = \{[(C_{op.} \times B_6 \times S_{op} \times K_m) + (C_{бог.} \times S_{бог.} \times K_m) + (C_{op} \times B_6 \times S_{з.ор.} \times K_m \times 0,1) + (C_{бог.} \times S_{з.б.} \times K_m \times 0,1) + (C_{с.п.} \times S_{с.п.} \times K_m)] \times K_n\} + ПЧ,$$

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

« B_6 — олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар тупроқларининг ўртача бонитет баллари, балл»;

саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар тўққизинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

и) 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар ўрнига бериладиган бир хил янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати табиий зоналардаги жойига қараб 1 гектар учун қўйидаги миқдорларда қабул қилинади:

текислик (ёғинлар билан таъминланмаган) зонасида — 1462 минг сўм;

текислик-адир (ёғинлар билан ярим таъминланган) зонасида — 2162 минг сўм;

тоғолди ва тоғ (ёғинлар билан таъминланган) зонасида — 2641 минг сўм»;

к) 37-бандда:

формула қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

$$\llcorner P_{c/хпвр.} = \frac{(P_{c/хп} \times Ч_1 \times 4) + (P_{c/хп} \times Ч_2 \times 2) + (P_{c/хп} \times Ч_3 \times 1),}{100};$$

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

« $Ч$ — қишлоқ хўжалиги ерлари доимий фойдаланишга олиб қўйилган»

да, қишлоқ хўжалиги нобудгарчиликлари суммасидан қишлоқ хўжалиги ерлари олиб қўйилгани учун ҳисобланадиган фоиз миқдори 10 йилгача — 4 фоиз ($Ч_1 \times 4$), 11 йилдан 30 йилгача — ҳар бир йил учун 2 фоиздан ($Ч_2 \times 2$) ва 31 дан 50 йилгача — 1 фоиздан ($Ч_3 \times 1$)»;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи-ўнинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи-тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

л) 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматни инобатга олиб ҳисобланган миқдори, шунингдек ушбу Низомнинг 32-банди ва унга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича қурилиш материаллари нархлари индексининг ўтган йилги ўзгариши даражасидан келиб чиқиб, жорий йилнинг 31 декабрига қадар ҳар йили индексацияланиши лозим»;

м) Низомга 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ўрнига берилладиган улар билан бир хил янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ҚИЙМАТИ

Худудлар	1 гектар бир хил ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг бир бонитет балли учун қиймати, минг сўм
Қорақалпоғистон Республикаси	444,2
вилоятлар:	
Андижон	761,6
Бухоро	634,8
Жиззах	507,8
Қашқадарё	507,8
Навоний	507,8
Наманган	698,2
Самарқанд	761,6
Сурхондарё	825,0
Сирдарё	507,8
Тошкент	761,6
Фарғона	698,2
Хоразм	634,8
Тошкент шаҳри	761,6

»;

н) Низомга 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш
ҚИЙМАТИ**

Вертикал зоналарга бўлиниш	1 гектар пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати, минг сўм	Улардан	
		тубдан яхшилаш қиймати	ўрни қопланадиган маҳсулотнинг қиймати
«Чўл» минтақаси	242,9	50,1	192,8
«Адир» минтақаси	283,9	88,8	195,1
«Тоғ» минтақаси	398,6	66,5	332,1

».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 1-модда):

а) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлган» сўзларидан кейин «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таъмоийли бўйича давлат хизматлари кўрсатадиган ягона марказлар (кейинги ўринларда «ягона дарча» марказлари деб аталади)» сўзлари билан тўлдирилсин»;

б) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Кўчмас мулк мулкдорлари ёхуд унга ашёвий ҳуқуқлар эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) ёки уларнинг ваколатли вакиллари кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, чекланган ёки бекор бўлган кундан бошлаб бир ой муддатда кўчмас мулкнинг ўрнашган жойи бўйича давлат рўйхатидан ўтказувчи органга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилишлари шарт. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда «ягона дарча» марказларига мурожаат қилдилар.

Аризада кўчмас мулкнинг тури, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳуқуқ, унга кадастр йиғмажилди тайёрланган ёки қайта расмийлаштирилган кўчмас мулк объектнинг номи ва у тайёрланган сана (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Тадбиркорлик субъектларидан «ягона дарча» маркази орқали ва бошқа ариза берувчилардан бевосита давлат рўйхатидан ўтказувчи органга келиб тушган ариза мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шакл бўйича кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрида рўйхатга олинади. Ариза олингани ҳақида «ягона дарча» марказига билдиришнома жўнатилади, бошқа ариза берувчиларга тилхат берилади»;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади, у мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича электрон тарзида ер участкаларига, биноларга, иншоотларга ва кўп йиллик доварахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ҳужжат сифатида юритилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишини ва бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахснинг номини, жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини ва кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги бошқа маълумотларни Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига навбатдаги рақам билан киритиш йўли билан амалга оширилади, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши ва бекор бўлишини давлат рўйхатидан ўтказиш эса унга бўлган ҳуқуқнинг чекланиши ёки бекор бўлиши тўғрисидаги ёзувни ёзув унинг асосида қилинган ҳужжатнинг санаси ва рақамини Давлат реестрининг 9, 10, 21 ва 28-устунларида кўрсатган ҳолда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги ёзув киритилган сатрга ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг (у мавжуд бўлган тақдирда) вужудга келиши ва бошқа шахсга ўтиши биринчи навбатда рўйхатдан ўтказилади. Ушбу ер участкасида қурилган ёки барпо этилган бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бошқа шахсга ўтишининг кейинги рўйхатдан ўтказилиши бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтлар тўғрисидаги маълумотларни ер участкасига ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги ёзув киритилган сатрга киритиш йўли билан амалга оширилади»;

г) 13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 16-банднинг иккинчи хатбошида:

«уч кун мобайнида» сўзлари «икки кун мобайнида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«жисмоний шахсга» сўзларидан кейин «ягона дарча» марказига (тадбиркорлик субъектлари мурожаат қилган тақдирда)» сўзлари қўшилсин;

е) 17-бандда:

биринчи хатбоши «юридик ёки жисмоний шахсга» сўзларидан кейин «(тадбиркорлик субъектларидан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида тайёрланган ва расмийлаштирилган гувоҳнома тадбиркорлик субъектларига бериш учун бир кун мобайнида «ягона дарча» марказига жўнатилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) қуйидаги мазмундаги 22¹-банд қўшилсин:

«22¹. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ёки халқ депутат-

лари вилоятлар кенгашларининг (Қорақалпоғистон Республикасида — Жўқорғи Кенгеснинг) қарорлари билан қишлоқ аҳоли пунктлари ёки уларнинг қисмлари шаҳарлар ва посёлкалар чегараларига киритилган ҳолларда жисмоний шахсларга деҳқон (шахсий томорқа) хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда илгари берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мазкур Низомнинг 20, 21 ва 22-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар асосида давлат ҳокимияти органларининг қарорларида кўрсатилган ўлчамларда рўйхатдан ўтказилади»;

з) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ёки ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларсиз фойдаланилаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди, ушбу банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахсларининг ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокимининг ушбу жисмоний шахсга мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши шарти билан амалга оширилади.

Бунда жисмоний шахс туман (шаҳар) ҳокими номига ариза беради, аризада унинг ер участкасидан амалда фойдаланганлиги учун сабаб бўлган ҳолатлар акс эттирилади. Аризага ер участкасига ўн беш йил мобайнида эгалик қилинганини тасдиқловчи ҳужжатлар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ариза берувчининг ер участкасига эгалик қилган муддатлари тўғрисидаги ва давлат солиқ хизмати органларининг сўнги 5 йилда ер солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномаси) илова қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) билан биргаликда ариза келиб тушган кундан бошлаб етти кун мобайнида ер участкаси бериш бўйича материаллар ва туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳаси шартнома асосида тайёрланади, улар ер участкасига эгалик қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда кўрилатган ер участкасида жойлашган бинолар ва ишоотларнинг фойдаланиш учун яроқлилиги ҳолатини ва хулоса тайёрлаш учун ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга киритилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг ариза берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг ижобий хулосаси асосида қабул қилинади. Ушбу қарор ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади»;

и) 27-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Объект қуриш учун ер участкаси олган тадбиркорлик субъектлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) томонидан ер участкасини танлаш ҳамда ажратиш материалларини тайёрлашда ер участкасини ажратиш бўйича йиғмажилдни аризага илова қилган ҳолда «ягона дарча» марказлари орқали берадилар, давлат рўйхатидан ўтказиш эса икки кун мобайнида амалга оширилади»;

к) 29-банднинг бешинчи хатбошидаги «шахсларни» сўздан кейин «ёки «ягона дарча» марказини (тадбиркорлик субъектлари мурожаат қилган тақдирда)» сўзлари қўшилсин;

л) 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун ушбу Низомнинг 31-бандида назарда тутилган асослар йўқ бўлган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ариза олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Агар тақдим этилган ҳужжатларда техник тусдаги аҳамиятсиз камчиликлар ва уларни бартараф этиш имконияти бор бўлса ёки қўшимча ҳужжатлар талаб қилинса, шунингдек тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш зарурати бўлса, рўйхатдан ўтказувчи рўйхатидан ўтказишни ариза олинган кундан бошлаб беш кунгача тўхтатиб туриш тўғрисида бир кун мобайнида қарор қабул қилади ва бу ҳақда юридик ва жисмоний шахсларни, «ягона дарча» марказини (тадбиркорлик субъектлари мурожаат қилган тақдирда) ёзма равишда хабардор қилади. Ҳужжатлар кўрсатилган камчиликлари бартараф этилган ҳолда тақдим этилган тақдирда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки кун мобайнида амалга оширилади.

«Ягона дарча» маркази давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олгандан кейин кўрсатилган камчиликлари бартараф этилган ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида тадбиркорлик субъектини белгиланган тартибда хабардор қилади.

Агар хабарномада кўрсатилган камчиликлар хабар берилган пайтдан бошлаб уч кун мобайнида бартараф этилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу ҳақда ариза берувчини, ариза берувчи тадбиркорлик субъекти бўлган тақдирда — «ягона дарча» марказини ёзма равишда хабардор қилади»;

м) 35-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Шунингдек бино ва иншоот ёки уларнинг қисмлари ижараси ҳуқуқи ҳам бир йилдан ортиқ муддатга тузилган шартнома асосида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

н) 42-бандда:

биринчи хатбошидаги «вужудга келишини» сўзларидан кейин «ва бошқа шахсга ўтишини» сўзлари қўшилсин;

ўнинчи хатбошидаги «далолатномаси» сўзи «ордери» сўзи билан алмаштирилсин;

о) 45-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«бинолар ва иншоотлар ипотекаси тўғрисидаги шартнома.

Хуқуқларнинг чекланиши бинолар ва иншоотларга бўлган хуқуқларнинг чекланиши тўғрисидаги маълумотларни Кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига киритиш ва хуқуқ чекланганлигини, унинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатга устхат битилиши йўли билан рўйхатдан ўтказилади»;

п) 46-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Хуқуқнинг бекор бўлиши бинолар ва иншоотларга бўлган хуқуқларнинг бекор бўлгани тўғрисидаги маълумотларни Кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига киритиш ва хуқуқ бекор бўлганлигини, унинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатга устхат битилиши йўли билан рўйхатдан ўтказилади»;

р) 50-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Такдим этилган материалларда аҳамиятсиз камчиликлар ва уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлса, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган рўйхатдан ўтказишни уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида икки иш куни мобайнида қарор қабул қилади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни, «ягона дарча» марказини (тадбиркорлик субъектлари мурожаат қилган тақдирда) бу ҳақда хабардор қилади. Қарорда муайян камчиликлар ва рўйхатдан ўтказишни тўхтатиб туриш сабаблари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун такдим эта олишлари учун етарли бўлган муддат кўрсатилади»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ягона дарча» маркази давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан бинолар ва иншоотларга бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилиши тўхтатиб турилиши тўғрисидаги қарорни олгандан кейин тадбиркорлик субъектларини кўрсатилган камчиликлари бартараф этилган ҳужжатларни такдим этиш тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилади»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

с) 57-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Сўровномада юридик шахснинг номи, жисмоний шахснинг, кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар эгаларининг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровлари бўйича Кўчмас мулкка бўлган хуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрида мавжуд

бўлган кўчмас мулкка ҳуқуқлар уларга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар такдим этилиши мумкин»;

г) 59-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«59. Бинолар ва иншоотларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун, зарурат бўлганда, ўзгага ўтадиган ёхуд мерос бўйича ўтадиган бино ва иншоотларни жойида текшириш амалга оширилиши мумкин»;

у) 72-банднинг биринчи хатбошидаги «сонини» сўздан кейин «ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзув қайд этилган сатрда» сўзлари қўшилсин;

ф) 74-банднинг биринчи хатбошидаги «киритилгандан» сўздан олдин «вужудга келиши ва бошқа шахсга ўтиши тўғрисидаги ёзув» сўзлари қўшилсин;

х) Низомга 3-иловада:

«1-босқич» позициясида:

«Субъектлар» устунига «шу жумладан тадбиркорлик субъектлари» сўзлари қўшилсин;

«Ҳаракатлар» устунига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Бунда тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда «ягона дарча» марказларига мурожаат қиладилар»;

«3-босқич» позициясидаги «Ҳаракатлар» устунининг учинчи блокига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда «ягона дарча» марказлари орқали берилади»;

ц) Низомга 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«НАМУНАВИЙ МАЪЛУМОТНОМА

Кўчмас мулкка бўлган
ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказувчи
органнинг штампи

Мазкур маълумотнома _____

(унинг талаби билан

_____ томонидан

_____ маълумотнома берадиган органнинг номи)

_____ га

(юридик шахснинг номи, жисмоний шахснинг фамилияси, исми,
отасининг исми)

_____ ҳуқуқида тегишли бўлган,
(бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқ тури)

_____ манзилида жойлашган

(объектнинг ўрнашган жойи)

бино, иншоот бўйича берилди.

(маълумотларнинг сўровга мувофиқ таркиби)

Ушбу маълумотнома берилган кундан эътиборан бир ой мобайнида амал қилади.

Ер тузиш ва кўчмас мулк
кадастри давлат корхонаси
бошлиғи

(имзо, фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Рўйхатдан ўтказувчи

(имзо, фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.»;

ч) Низомга 5-иловадаги 00 № 000000 серияли гувоҳномага тегишли илова чиқариб ташлансин.